

# РАНГТАСВИРДА ПОРТРЕТ ИШЛАШНИНГ МЕТОДИК АСОСЛАРИ

**Худойназарова Ўзгил Шарифовна**

*А.Қодирий номидаги ЖДПИ, Тасвирий санъат ва муҳандислик  
графикаси кафедраси ўқитувчиси, Жиззах, Ўзбекистон  
e-mail: [xudonazarova.88@mail.ru](mailto:xudonazarova.88@mail.ru)*

**Аннотация:** Мақолада бўлажак тасвирий санъат ўқитувчиларини касбий тайёрлаш ва рангтасвирда портрет ишлаш жараёнида қаламтасвир, қаламчизги, хомаки расмларнинг аҳамияти ҳақида сўз боради. Талабаларга натурага қараб қаламчизги ва эскизлар тасвирлаш бўйича амалий машқлар бажариши технологиялари борасида амалий маслаҳатлар берилади.

**Калит сўзлар:** Рангтасвир, композиция, шакл, ҳажм, нисбат, қаламчизги ва қаламтасвир, чизиқли конструктив қурилиши.

\*\*\*

## **Методические основы работы над живописным портретом**

**Аннотация:** Статья посвящена одной из актуальной теме подготовке будущего педагога художника, о роле рисунка в портретной живописи, методической разработке эскиза портрета карандашом. Дается практические советы по технологии выполнения учебных набросков и зарисовок с натуры.

**Ключевые слова:** Живопись, композиция, форма, объем, пропорция, набросок и рисунок, линейно конструктивное построение.

\*\*\*

## **Methodological bases of work on a painting portrait**

**Abstract:** The article is devoted to one of the urgent topics of preparing the future teacher of the artist, about the role of drawing in portraiture, and the methodological development of a sketch of a portrait in pencil. Practical advice is given on the technology for performing training sketches and sketches from nature

**Key words:** painting, composition, form, volume, proportion, sketch and drawing, linear constructive construction.

Тасвирий санъатдан малакали педагог кадрлар тайёрлашда талабаларга жисмларни натурага қараб тўғри тасвирлаш машқлари муҳим аҳамиятга эга бўлиб, бўлажак рассом-педагогнинг тасвирий санъат соҳасидаги маҳоратини шакллантириш аудиторияда натурани ҳаётий тасвирлаш машқлари орқали амалга оширилади. Бу тўғрида буюк рассом ва назариётчилар ўзларининг фикрларини кўплаб илмий мақолаларида баён этганлар.

Натурадан расм чизиш машғулотида талаба биринчи галда турли шаклларнинг ўзига хос томонларини тўғри кўришни ўрганади. Шаклларни ўзига қараб расмини чизиш талабанинг натурага қўйилган шаклларни қандай қабул қилишига боғлиқ. Маълумки, инсонлар жисмлар ва уларнинг тасвирини турлича тасаввур этадилар. Бу эса биринчи навбатида ҳар бир

инсоннинг кўз тузилишига ва айниқса тасвирий санъат борасида кўриш қобилиятига боғлиқ. Расм чизишни ўргатишда асосий вазифа, бу рассомда жисм шаклини масофадан кўриш ва тасвирлаш қобилиятини шакллантиришдан иборат. Жисм шаклини масофадан (кенгликда) кўриш ва тасвирлаш – жисмни «тўла ҳажмда», уч ўлчамли шаклда (баландлиги, эни ва қалинлигини) кўриш демакдир. Ҳаққоний расм чизиш кўз билан ўлчаш, масофа ва жисм ўлчамларини кўзда чамалаш, ва натурани тўғри англаш орқали эришилади. Бундай ҳолларда жисм ўлчами ва масофани аниқлаш учун кўз билан чамалаш қобилиятини ривожлантириш муҳим аҳамият касб этади. Чамалаш қобилиятлари бўлажак педагогни ўз ишларига нисбатан эътиборли, масъулиятли бўлишга ўргатади, уларда атрофдаги буюм ва шаклларни синчковлик билан таҳлил қилиш кўникмаларини ҳосил қилади ва бир вақтнинг ўзида кўрган қиёфани эслаб қолиш қобилиятини ҳам ривожлантиради. Чамалаш қобилиятини шакллантириш учун иш жараёнида доимий равишда кўз билан нисбатни аниқлаб туриш яхши натижа беради. Кўриш орқали эслаб қолиш рассомнинг энг қимматли ва эътиборли ҳислати бўлиб, у орқали жисм шакли, нисбати ва тузилиши ҳақидаги аниқ ва умумий тасаввурни хотирада сақлайди. Бу эса шаклни хотирадан, тасаввур ва англаш асосида чизиш имконини беради ва рассомнинг келгусида мустақил композициялар ва эскизлар яратиш борасидаги ишларини бирмунча енгиллаштиради.

Натурадан портрет тасвирини рангтасвирда бажаришдан олдин қисқа муддатли хомаки расмлар чизиш ижобий натижалар беради. Амалий машғулотлар жараёнида олиб борилган тадқиқотлар шуни кўрсатадики, доимий равишда машқлар натижасида талабада шаклни кўриб эслаб қолиш қобилияти ривожланади. Бундай машқлар, айниқса, бошланғич курс талабалар орасида кўпроқ ўтказилиши яхши натижа беради. Бу эса талабаларда жисмларнинг шакли, конструкцияси, нисбатлари ва пластикаси тўғрисидаги тасаввурларни хотирада янада мустаҳкамланишида асосий ҳисобланади.

Юқоридаги мақсадни амалга оширишда қисқа муддатли чизгилар ва расмлар ишлаш муҳим аҳамият касб этади. Кўриб эслаб қолиш хотирасини мустаҳкамловчи бундай амалий машғулотларда аввало энг асосий шакл ёдда сақланади, иккинчи даражали қисмлар умумий тарзда кўрсатилади, бундан асосий мақсад – умумий шаклни эслаб қолиш. Шунингдек амалий машғулотлар давомида эслаб қолиш даражаси кенгайди ва чуқурлашади: иккинчи даражали қисмлар ва бўлақлар ҳам хотирада қолади. Чизгилар ва қисқа муддатли расмлар талабада натурани ҳаққоний кўра олиш ҳислатини

ривожлантиради ва тарбиялайди. Қуйида бундай амалий машғулотларни ташкил этиш бўйича машғулот намуналарини кўриб чиқамиз.

Дастур бўйича иккинчи-учинчи ва тўртинчи семестрлардан бошлаб талабалар инсон бош шаклини ўрганишни бошлайдилар. Қисқа муддатли расмлар чизиш давомида талабалар инсон бошининг тузилишини назарий ва амалий жиҳатдан ўзлаштирадилар ва бу қоидалар юзасидан дастлабки машқлар бажариш вазифалари юклатилади.

Қисқа муддатли тасвирлар бажаришга унчалик кўп ўқув вақти сарфланмайди, бинобарин, бунинг устига тавсия қилинадиган ўқув вазифалар кичик ўлчамда бажарилади.

Дастлабки машғулот одам бош суяги тўғрисида суҳбатлашишдан бошланади. Бу суҳбатлар давомида талабаларга одам бош суяги кўрсатилади ҳамда ўқитувчи каттароқ қоғозда кўмир қалам билан тушунтирув расмлари чизиб боради. Суҳбат мазмуни қуйидагича бўлиши мумкин: одам бошининг умумлашган кўриниши чўзиқ, тухумсимон шакли эслатади ва у бош суяги шаклини қуриш ва тузишда, шартли тасвирлашда ундан фойдаланилади.

Тасвирда тухумсимон шаклнинг юқори қисми мия қобиғининг юқори нуқтасига, пастки қисми эса ҳаракатланувчи пастки жағнинг олдинги, пастки киррасига жавоб беради.

Шундай қилиб, тухумсимон (овал)нинг баландлиги бош суяги баландлигига тўғри келади, унинг кенглиги эса иккита симметрик равишда жойлашган бошнинг тепа суяги билан чегараланади.

Агар одам бош суягига назар ташласак, шунга ишонч ҳосил қилиш мумкинки, бош шакли бош суяги билан чамбарчас боғлиқ. Суҳбатда ўқитувчи одам бош суягининг симметрик тузилишини таъкидлаган ҳолда фақат унинг асосий қисмларини (ҳаракат қиладиган пастки жағ билан бирга), шунингдек бош суягининг умуртқа поғонасига туташган жойини кўрсатиб ўтади. Таниқли рус олими ва қаламтасвир борасида етук методист шундай ёзган : “Талабаларга одам боши тузилиши ҳақидаги қонунларни кўрсатишда, унинг “сим-тўр”дан тузилган синч шаклини намойиш этиш орқали ёш рассомни фазовий тасаввурини ўстириш муҳим ҳисобланади. Одам бошини тасвирлашда гипсдан ишланган намуна ва мазкур “сим-тўр” шакл бир томонга қаратилган ҳолда доимо намуна сифатида ёнма-ён туриши мақсадга мувофиқ” [2.55.]

Бўйин мускуллари ва ўзгарувчан (бурилувчан) умуртқа поғонаси туфайли инсон боши ҳам яхши бурилувчан бўлади ва у кенгликда ҳар хил ҳолатларда бўлиш қобилиятига эгадир.

Алоҳида, симметрик равишда жойлашган қисмлардан ташқари (бурун тоғайлари ва қулоқ супралари, пардалари) бош шакли ўз суяк асоси (бош

суяги) билан органик боғлиқдир. Шунинг учун расмда бош суягини қўйиш ва қуришни ўрганиб олгандан сўнг инсон бошининг туриши ва тузилиш қоидаларини ҳам осонгина ўзлаштириб олиш мумкин.

Бош суягининг тузилиши ва унинг шаклини қуриш учун ўрта чизик, деб аталувчи чизикдан фойдаланиладики, бу чизик бош суяги тўғрига қараб турган ҳолатида юз қисмининг симметрия ўқиға тўғри келади ва уни вертикал иккита бир ҳил қисмға ажратади.

Тухумсимон бош суягини горизонтал текислик бўйича тенг икки қисмға (юқори ва пастки қисмлар) ажратувчи нуқтасига тенг келувчи ўрта чизик кўз чуқурликларининг ўртаси жойлашган мўлжалдаги чизик хизматини ўтайди. Бош суяги шаклини жойлаштиришда унинг ўртасидан ўтувчи горизонтал чизик бир йўла бош суяги нафақат ҳар хил бурилишларни, балки унинг вертикал бўйлаб юқори ва пастки томон эгилишини (кўтариб тушишини) ҳам белгилаб олишиға ёрдам беради. Шунинг учун овал юзасига туширилган ўрта чизик, унинг кесишган нуқтасини бош суяги шаклини умумий қуришда асосий боғланиш нуқтаси деб ҳисоблаш керак. Бошнинг хомаки расмини чизишда ана шу нуқта орқали чизик ўтади ва бу чизикда кўзлар белгилаб олинади.

Одам бош суягининг умумий ва алоҳида қисмларнинг ўлчам нисбатлари ҳар бир одамда ҳар хил бўлади ва бу бошнинг ташқи кўриниши, унинг шаклиға жиддий таъсир кўрсатади. Шунинг учун ҳам бир кишининг иккинчи киши бошидан фарқ қилувчи характерли холатлари, ёки кишиларнинг бир-бириға ўхшамаслик кабилар энг аввало бош қисмидаги ўзаро нисбатларға боғлиқдир.

Дастлабки вақтда, ушбу муносабатларға аниқлик киритишда қўшимча ёрдамчи белгилар ва ўрта чизикқа тушириладиган қўшимча чизиклардан фойдаланиш мумкин, бинобарин, юқоридан бошлаб:

1. Пешона суяги қисмини кўз косаларининг юқори чеккаларига ва ундаги белгиларға тўғри келадиган (ўрта чизикнинг ҳар икки томонидан), пешона суяги кенглигини ва бир йўла чакка суякларининг жойлашуви йўналишини белгиловчи чизик [3.68.];

2. Бош суяги бурун тешигининг пастки қиррасини ва шу тешик асоси кенглигига мос келувчи белгини кўрсатувчи чизик.

Қўшимча равишда ўрта, жағ суяклари йўналишидан тортиб икки томонға кетган ёрдамчи ярим айлана чизигини ҳам белгилаб олиш мумкин (тасвирда уларнинг ўрнини аниқлаш учун).

3. Оғиз чизигига мос келувчи юқори ва пастки жағ тишлар орасидаги чизик. Талабалар диққат-эътиборларини ўрта чизикдаги белгилар орасидаги

кесмаларнинг ўлчамларида катта аниқликка риоя қилиш зарурлигига қаратиш керак бўлади.

Шунингдек алоҳида таъкидлаш керакки, бош суяги ва бош шаклини қуришда ўрта чизиққа нисбатан симметрик бўлган албатта жуфт шаклларда юритиш ва уни ташқи контур томондан эмас, балки шакл ичидан, бинобарин, "қулоқ кўпроқ кўринадиган" томондан бошлаш керак [1.74.].

Сухбат охирида ўқитувчи яна бир марта бош суягининг тузилиши ва қурилиши борасидаги бутун изчиллик тартибини кўрсатиб ўтади ва шундан сўнг схема тузилиши асосида бош суягининг шакли энгил ёруғ-соя ёки қисқа чизиқли штрих билан бўрттириб кўрсатилади.

Ўқитувчи бош суягининг тузилиш ва қурилиш схемаси инсон бошидан чизги ва хомаки расмлар бажаришда тўлиқ қўлланилишини алоҳида тушунтириб, унинг пластик анатомия билан боғлиқлиги ҳақида таъкидлаб ўтиши керак. Бу схемани шунчалик ёдда сақлаб қолиш керакки, бошни тасвирлашда ундан фақат ҳаёлан фойдаланилсин. Бунда қуриш симметрияси, яъни бошнинг бирор қисмини белгилаб олиб, дарҳол шу каби қисмнинг ўрни ва ўлчамини аниқлаб олиш (бунда ўрта ва ён тараф чизиқларига мўлжал олинадиган) зарур шартлардан биридир.

Хомаки расм ва чизгиларда бош ҳар доим бўйин, ёки унинг кўриниб турган қисми билан бирга тасвирланади. Бу айниқса бошнинг бурилиши ёки унинг характерли хусусиятини бўрттириб кўрсатишда кўпроқ қўл келади. Шунинг учун ҳам талабаларга иложи борича бошнинг томонларга бурилишини амалга оширувчи иккита кўкрак-елка-сўрғичсимон мускул ёрдамида тана билан боғланишини тушунтириб ўтиш керак. Ўқитувчи сухбатдан сўнг ўқувчиларни амалий машқлар бажаришга йўналтиради.

Биринчи машқ. Схемадан фойдаланмай туриб натурадан бош суягининг икки ҳолатидан чизги бажариш. Шундан сўнг мазкур топшириқни ҳаёлан тасвирлаш.

Иккинчи машқ. Жонли модел бошининг олд томонидан чизгисини бажариш, унинг ёнида эса тирик моделнинг бурилиши ва нисбатларига риоя қилган ҳолда ҳаёлан тасвирлар бажариш.

Учинчи машқ. "Ҳаёлан" бош суягининг тўртдан уч қисми қурилишининг схемасини чизиш, шу схема бўйича ва бош суягини тасаввур қилиб бошнинг иккита хомаки расминини чизиш.

Тўртинчи машқ. Ватман қоғозининг 6/1 ҳажмли варақда ёнма-ён жонли моделнинг олд томонидан тўртта ва 4/3 кўринишда учта хомаки расм ишлаш.

Бешинчи машқ. Натурага қараб ва схемадан фойдаланган ҳолда бош суягидан уч ҳолатдаги хомаки расминини ишлаш. 1). Озгина паст – ён тарафдан. 2). Ёнбошлаб ётган ҳолатдан. 3). Бироз орқароқ – ён тарафдан.

Олтинчи машқ. Енгилгина белгилаб олинган схемадан фойдаланган ҳолда бош моделининг икки ҳолатдаги хомаки расм ишлаш.1). Олд томон, пастга қараган ҳолат. 2). Юқорига бурилган, бир оз ён томонга қаралган ҳолат.

Барча машқлар А-4 формат ўлчамида, "2м" - 3"м" юмшоқ графит қаламларда бажарилиши тавсия этилади.

Юқорида келтирилган мисолларни давомли равишда ҳар бир машғулотлардан олдин 30-40 дақиқа давомида бажариш, бўлажак тасвирий санъат ўқитувчисининг портретни ранглар воситасида характерли хусусиятларини мукамал бажаришларида асос бўлиб хизмат қилади ва уларни бўлажак педагогик фаолиятга пухта тайёрлашда муҳим аҳамиятга эга.

#### Фойдаланилган адабиётлар

- 1.БойметовБ.Б. Қаламтасвир. Дарслик. 1 қисм.-Т.: “Муסיқа”, 2006. 215 б,
- 2.Ростовцев Н.Н. Методика преподавания изобразительного искусства в школе.-М.: Издательство “Рандеву” -АМ”, 2000. 55-б
- 3.Бойметов Б.Б., Голипов М. Пластик анатомия. Т., “Илм Зиё” 2005. 68-б